


ниясини бажаради, бундан буён ҳам ко
атиш низм қурувчиларнинг биринчи
қил- ларида боради.



Навий номидаги опера ва балет театри биносида Ўзбекистон матбуот, радио ва телевидение ходимларининг съездида бағишлаб ташкил этилди. Суратларда: (1) Съезд делегатлари Ўзбекистон давлат нашриёти ва (2) «Муштум» журна-ли редакцияси томонидан уюштирилган чиставкани томоша қилмоқдалар. (3) Съезд делегатлари китоб сотиб олмақдалар.

И. Глауберзон фотолари.

☆☆☆

Съезд залида

Беча артаб Ашиер Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театрининг муштам биноси байрам либосида бурканган эди. Шаффоф инжулар сояётган фонтан атрофида, театрга қира-беришдаги мармар эиналарда, кенг ва ҳашаматли залларда асанган кишилар тўққини кўзга ташланган. Ҳамма ерда самимий салом-алик, дўстона суҳбат бошланган.

Мана, бир чеккада отқили Ўзбек ёзувчиси, академик Ойбекни бир гуруҳ ёшлар ўраб олган. Самарқанд ва Тошкент университетларининг студентлари, фарғоналик ва сурхандарёлик ёшлар кекса адиб билан ижодий изланиш ва шарафли касб — муҳбирлик бора-сида кўнж суҳбатлашмоқдалар. Бу ерга қорақалпоғистонли талантилиш шонир Марям Қосимова ҳам келди. Пойтахт китобхоналари Қосимовани яқинда Тошкентда бўлиб ўтган қорақалпоқ адабиёти ва санъати декадасида кўрган ва унинг Ўзбек тилида нашр этилган шёарлар тўпламини севиб ўқиган эдилар. Шонир бугун яна Тошкентда, муҳбирлар съездида қатнашмоқда. У қорақалпоқ совет матбуотининг ривожланишида ҳам ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келмоқда.

Қизин суҳбат бораётган жойларда республикамизнинг турли об-ласт ва районларидан келган ва-зиллардан ташқари қардош рес-публикалардан келган азиз жур-налист меҳмонлар ҳам бор. Совет Тожикистони пойтахти Сталинобод-да чиқадиган ойлик ҳафвий «Хор-пуштак» журналининг редактори, ёзувчи Самад Гани «Қизил Ўзбекистон» газетасининг ходимлари билан ижодий ҳамкорлик, газета ва журнал редакцияларининг ишлари ҳақида суҳбатлашиб бормоқда.

Театрнинг виставкалар зали ай-ниқса серқатнов ва тағжум. Бу ерда республика, област газетала-

ри ва журналларнинг виставкаси ташкил этилган. Қўркам витрина-ларда «Қизил Ўзбекистон», «Прав-да Востока», «Ўзбекистон хотин-қизлари», «Эш ленинчи» ва бошқа газета ҳамда журналлар фаолияти-ни, редакциялар ишини тасвирлов-чи экспонатлар қўйилган. Катта витриналарда республика ва об-ласт газеталарида ўзларининг ба-дий асарлари, публицистик мақо-лалари, оператив материаллари би-лан қатнашиб келатган отқили ёзувчилар, қўнға яқиндагина қа-лам олган ёш қаламкашларнинг портретлари кўзга ташланган.

Виставка экспонатлари, журна-листлар портретлари Ўзбек совет матбуоти босиб ўтган тарихий, жанговар йўлининг ёрқин гувоҳи-дир. Бу ноилар ҳужжатлар ва пор-третларда биз Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Совет Ўзбекистонининг турлича газеталарида ўз қаламлари билан қатнашиб келган. Улар Октябрь ғалабалирини мустақкамлаш учун жон-дилини аямал курашган совет ватанпар-варларининг улуғ ишларини зўр меҳр-муҳаббат билан тасвирлаган ёзувчи, журналистларни кўрамай.

Кеча Навоий номидаги театр ана шу йилда шарафли касб ағалари би-лан лиқ тўлган эди. Бу ерга, кўп-минг кишилик Ўзбек журналист-ларининг энг ахши вакиллари ўз съездидаги йилга эди.

Съезд қатнашчилари партиямиз-нинг энг ўқир курали бўлган матбуотнинг навабига вазифала-ри, ўз ютуқларини ўртоқлашган, ҳамчиликларини рўй-рост ўртага қўйиб, халқимиз, Ватанимиз, пар-тия ва ҳукуматимиз учун янада самаралироқ хизмат қилиш учун тўпланганлар. Биз бунинг сўз ми-нибардан, нотикларнинг сўзларидан яққол эшитиб, улар билан қувон-моқдамиз ва уларнинг ижодий иш-ларига янги муваффақиятлар ти-лаб қўймоқдамиз.

З. НАЗАРМАТ.

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор билан учрашув

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университети студентлари-нинг ёзувчи Абдулла Қаҳҳор билан учрашув кечаси бўлиб ўтди.

Кечада юбиларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида фило-логия фанлари доктори И. Султо-нов доклад қилди. Докладчи ёзув-чининг йиллик асарлари устида тўх-талиб ўтди.

Учрашувда университетнинг фило-логия факультети студентлари

А. Қаҳҳор асарларидан олган ўз таассуротларини сўзлаб бердилар. М. Шукруллаева, М. Нўлатова ва бошқа студентлар ёзувчининг 50 ёшга ва ижодий фаолиятининг 30 йилга тўлиши муносабати билан қизини таъриқладилар.

Кечада филология фанлари кан-дидати Л. Қамов ҳам ёзувчининг ижодий тўғрисида сўзлади.

Ҳ. МУХТОРОВА.

Ҳамшира қизлар

Тонг. Шаҳардаги 3-4 заводнинг олдинда-кейин қилинган худок-лар овози бир-бирига уланган, гоҳ баланланган, гоҳ пасайиб ашитилар-ди.

Бу ганиш овоз ишга ошиқатган турли касбадаги кишиларнинг қада-мининг беҳтёр жадаллаштириши. Мана, улар сафида бўлжак меди-на ҳамширалари ҳам қўлларига янги тиктирилган оппоқ халатларини ўраб олганларча, биринчи марта ишга ошиқмоқдалар.

Бу бўлгуси ҳамшира қизлар би-лан шу йил июлнинг иссиқ кунла-ридан йилда Бекобод шаҳардаги цемент заводига кетиб таниш-ган эдим.

Қизларнинг чехлардан севинчи-лар ичларига сийма кетатганлиги сезилиб турарди.

— Қандай яхши-я! Ҳа демай оп-поқ халатларини кийиб олиб, касал-хоналарда беморларни воялаймиз. — ҳаёжонлиб гапириб боради улардан бири.

— Ушанда-чи, Зулфия! Беморлар «Ҳамшира, лорингиз ярамга малҳам бўлди. Рамат!» деса-я, — деб қўшиб қўйиб бопқиса.

Қарима уларнинг гапларидан хур-сан бўлиб, бироз гурури келган бўлса ҳам:

— Оббо, кўп ҳовлиқаверманлар, яна 2 йил ўқимиз керак, хал! — деди қизилиб.

— Нима бўпти, 2 йил тезгина ўқиб-кетин-ла. Бу орда ҳам 10-

синфини тугатлаб, етуклик аттес-ти, ҳам ҳамширалик дипломи ола-миз, дўстим, — сўзини бермасди ав-вал гап бошлаган қиз.

— Тўғри айтсан, Зулфия, бир йил ичда қанча нарсаларни ўрган-дик. Мана, рецепт ёзишни биламиз. Беморга банка қўйиб, озо-моқ уқол қилишни ҳам ўрганиб олдик. — Зулфиянинг сўзини қувватлади ду-ғонаси.

Бу қизлар 3-мактабда 8-синфини тугатиб, 9-синфга ўтишган экан. Уларнинг синфдаги медицина фанла-ри ҳам ўқитилар экан. Қизлар шаҳардаги цемент заводи касалхона-сига — практикага кетишадиган экан.

Завод касалхонасига боғли қизлар оппоқ халатларини кийиб олишиб, беморлар ётган палаталарга кири-б-чиқиб юришибди.

— Қани ичкарига, — таклиф қилди касалхона бош врач У-тоқ Абдуҳафизов.

Биринчи палатага кирган эдик, халити қизлардан иккиси шу ерда қўлларига ҳозиргина қайнатилган шприцларни кўтариб, бемор томири-га қон юбориб қўйиб қўйиб кекса ҳамширага қўмақлашмоқда эканлар.

— Қизларимизга фармакологи-я, гигиена, анатомиядан малакали му-тахассислар ларе бермоқда. Уларга асосан медицина ҳамшираси учун за-рур бўлган билимлар берилади.

Уларнинг группасида 25 қиз ўқий-ди, — хикой қиларди бош врач.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ XII СЕССИЯСИГА БЕЛОРУССИЯ ССР ДЕЛЕГАЦИЯСИ

МИНСК, 9 сентябрь. (ТАСС). Бе-лоруссия ССР ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассам-блеясининг XII сессиясига Бело-руссия ССР делегациясини тайин-лади. Сессия Нью-Йоркда 17 сентябрда очилди.

Делегацияга Белоруссия ССР Ми-нистрлар Совети раисининг ўрин-босари ва ташқи ишлар министри К. В. Киселев бошчилик қилди: делегация аъзолари: П. Ф. Глебо, О. А. Зоревенни, О. А. Сисоева, Г. Ф. Басов; делегация аъзолари ўринбосарлари Г. М. Девячен-ко, Г. Г. Чернушенко; делегация-нинг кенгашичлари: Г. К. Нови-кий, А. Н. Шельдов, В. В. Греков.

Совет савдо делегацияси Токиога келди

ТОКИО, 9 сентябрь. (ТАСС). Со-вет савдо делегацияси Совет-Япо-ния савдо музокараларида қатна-шмоқ учун бугун Токиога келди. Де-легацияни Токио аэродромда му-зокараларида қатнашувчи япон де-легациясининг бошлиғи Хироэ, Япония савдо ташкилотларининг ва-зифадорлари, шунингдек совет элчихона-сининг вакиллари кутиб олдилар.

Совет савдо делегациясининг раҳбари, СССР Ташқи савдо ми-нистрининг ўринбосари И. Ф. Семи-частнов аэродромда япон матбуоти вакиллари билан баёнотида, дипломатик муносабатлар тиклан-ганлиги Совет Иттифоқи билан Япония ўртасида тенгхуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида савдо муносабатларини кенг ривож-лантириш учун катта имкониятлар очиб берди, деди. Совет савдо де-легацияси, деди у, СССР билан Япония ўртасида савдо кемалари-нинг соҳасидаги муносабатлар-ни ва савдо-сотиққа доир бошқа ўзаро муносабатларни Совет-Япо-ния қўйма декларациясида айтилган-дек мустақам ва дўстона негизга қуриш мақсадига тегишли битим-лар тузиш тўғрисида музокара-лар олиб бормоқ учун Япония ҳукума-тининг таклифига биноан Япония-га келди.

ЖАЗОИРДА УЛИМ ЖАЗОЛАРИ

ПАРИЖ, 9 сентябрь. (ТАСС). Па-риж газеталарининг хабар бериш-ча, Жазоирдаги француз ҳарбий трибунали «террорчилик ҳаракати-да» айбланган 6 жазоирликни ўлим жазосига ҳукм қилган.

Болгария Озодлик кунининг байрам қилиниши

СОФИЯ, 9 сентябрь. (ТАСС). Бу-гун Болгария шаҳарлари ва қиш-лоқларининг меҳнаткашлари озод-лик кунини байрам қилдилар. Пой-тахт миллий байрамни безаниб ва ясашиб кутиб олди. Биноларга, ку-рилшларнинг ҳавозаларига осил-ган қизил алванларда Коммунистик партия, Болгария-Совет дўстли-ги, тинчлик шарафига ёзилган шиорлар яқинлаб турибди. Қўчалар ва майдонлар минглаб одамлар би-лан лиқ тўлган. 9 сентябрда София меҳнаткашлари улуғ намоийшга чиқдилар. Ҳамма жойда шодлик ва хурсандчилик авж олган. Ашула ва музыка янграмоқда.

9 сентябрь майдони халқ танта-наларининг марказига айланди.

Георгий Дамьянов, Тодор Живков, Антон Югов ўртоқлар ҳамма партия ва ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари узоқ ва тўхтовсиз қараклар билан кутиб олган ҳолда Георгий Ди-митров мавзоедининг трибунасига чиқдилар.

Соат 9 да ҳарбий парад бошлан-ди. Халқ музоффа министри армия генерали Петр Панчевский парад қўмондонини генерал-майор З. Зрав-ко Георгиевнинг рапортини қабул қилди ва парад қатнашчиларини байрам билан табриқлади. Шундан сўнг халқ музоффа министри мавзо-лей трибунасига чиқиб, табрик нутқи сўзлади.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

НЬЮ-ЙОРК, 9 сентябрь. (ТАСС). Бугун Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси очилди. Мажлис Бирлаш-ган Миллатлар Ташкилотига янги аъзолар қабул қилишга бағишлан-ган. Кенгаш резолюцияларнинг икки проектининг муҳокама қилди. Булар Мўғулистон Халқ Республи-

Белгия Коммунистик партияси Марказий Комитети пленумининг қарорлари

БРЮССЕЛЬ, 9 сентябрь. (ТАСС). Белгия Коммунистик партияси Мар-казий Комитетининг 30 август — 1 сентябрда пленуми бўлиб, Марказий Комитет секретари Рене Беннинг Белгиянинг ички ва ташқи сиёсий ҳаёлида ҳамда партиянинг яқин кўлавларида вазифалари ҳақидаги қаро-ларнинг муҳокама қилинганлиги ҳақида хабар бериб ўтилган эди. Пленум тинчлик учун ва меҳнаткашларнинг талабларини қондириш учун ку-рашда ҳаракат программасини иш-лаб чиқди.

«Драпо руж» газетаси Компартия Марказий Комитети пленуми резолю-цияларининг тексдорини эълон қилди. Тинчлик учун курашдаги ҳаракат программасидаги тўрт мо-дальда СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан Белгиянинг дўст бўлиш сиёсатини ўтказиш за-рур, Белгия Конгоси халқи билан ва

ҲИНДИСТОНДА СОВЕТ ТУРБОБУРЛАРИ

ДЕХЛИ, 9 сентябрь. (ТАСС). «Стейтсмен» газетасининг хабар беришига қараганда, августнинг ўрта-ларида Нанжонда нефть конла-ри қудуқларини пармалоқ учун Совет Иттифоқидан Ҳиндистонга келтирилган турбобурларни ишлат-мақдиганлар. Газетанинг янада

Германия Федератив Республикасида ўтказиладиган сайловлар олдида

БОНН, 9 сентябрь. (ТАСС). Фар-бий Германиядаги сиёсий партия-лар раҳбарларининг сайлов олди нутқлари сўзлаётганликлари тўғ-рисида матбуотда хабар беришмоқ-да.

Германия социал-демократик партиясининг раҳбари Оленхауэр кеча Вал — Наугейма бўлган сай-лов олди митингига сўзлаган нут-қида Германия Федератив Респу-бликаси ҳукуматининг Германия қайта бириштириш масаласидаги сиёсатини танқид қилиб, ҳукуматни бу масалада активлик қўрғатма-ётди, деб айблади. НПА агентлиги-нинг хабарига айтилишича, Олен-хауэр «Аленхауэр сиёсатининг да-вом эттирилиши, Федератив Рес-публика қилиши мумкин бўлган энг хатарли иш бўлади» деб айт-ган. Агар Аленхауэр ҳукумати бу-дан кейин ҳам ҳокимият тепасида қоладиган бўлса, деган Оленхауэр.

у ҳолда яқин келгусида Германия Федератив Республикасида атом қудроли ишлаб чиқариладиган бў-лади. Оленхауэр Фарбий герман армиясини атом қудроли билан қў-ралантиришга қарши гапириб, умумий ҳарбий мажбуриятни бе-кор қилиш керак, деган.

«Ди Вельт» газетасининг хабари-да айтилишича, Шмидт Рейн — Вестфалия ўлкасидаги эркин де-мократик партиянинг раиси Вейер Хагенда бўлган сайлов олди йи-гилишга сўзга чиқиб, советларга қарши гаплар айтиш билан Гер-мания қайта бириштириш сиё-сатини ўтказиш керак эмас, деган. Вейер Германия Федератив Рес-публикаси қанчалар бўлганлар ҳар бир киши, аксинча, «Европада кескинлигини юмшатиш кампания-сининг» ташаббусчиси бўлиши ло-зим, шундай қилинмаса, Германия қайта бириштириш мумкин бўлмайди, деб айтган.

Наманган санъаткорларининг яқунловчи концерти

Наманганлик санъаткор дўстла-римиз Тошкентга келган кунларида бир неча спектакллари билан пой-тахт томошабинларини хурсанд қилган эдилар. Концерт номерлари ҳам томошабинларда яхши таассу-ротлар қолдирди.

9 сентябрда Наманган област театри коллективи пойтахтдаги На-вий номидаги опера ва балет те-атри биносида раёна-раёна програм-мада катта концерт кўрсатди. На-манганлик артистлар «Салом» хо-ри билан (Қаримжон Мансуров музи-каси) концертни бошладилар. Хо-рада Наманган пахтакорларининг са-ломини Тошкент меҳнаткашларига олиб келинганлиги баланд руҳ билан қуйланди.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Тўхтасин Жалиловнинг «Зар ко-кил» куйи катта маҳорат билан ижро этилди. Сабоҳон Икромов ижро этган «Пахтакор қиз» ўй-нида шу кунларда Наманган ҳам-да Ватан олдидаги ўз бурчини бажариш учун ишлаган пахта-кор чеварларнинг меҳнати ифода-ланди. Макрифат Убайдуллаева ёш талантлардан бириди. У театр-га келиб ўтди. У санъатини янада яхшироқ эгаллаш йўлидаги инти-лишини «Санъаткор» лапариди на-моийш қила олди.

Ўзбекистон ССР да хизмат кўр-сатган артист Муҳриддин Мансуров

Ёш ишчилар слёти

Яқинда Янгйўла шаҳридаги Во-рошилов номида маданият ва ис-тироҳат боғида қурилиш, саноат ҳам-да транспортда хизмат қилувчи ёш ишчиларнинг слёти ўтказилди. Слётда район комсомол комитети-нинг секретари ўртоқ С. Емелин «Ўзгаришларнинг 40 йиллигини муносиб меҳнат соғварлари билан кутиб олайлик» деган темада до-клад қилди.

Слёт қатнашчиларидан Беляев (тикувчилик-пойфал комбинати),

Элеонора Рузвельт хоним Тошкентга келди

Америка Қўшма Штатларининг собиқ президенти Франклин Деланс Рузвельтнинг тул қолган рафиқаси, АКШнинг жамоат ароби Элеонора Рузвельт хоним 10 сентябрда «ТУ-104» самолётида Москвадан Тош-кентга келди. Элеонора Рузвельт хоним Совет Иттифоқи бўйлаб ту-ристик саяҳат қилмоқда.

Тошкент аэродромда Э. Руз-вельт хонимини «Интурист» Тош-кент бўлимининг бошқарувчиси В. И. Абрамов, чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамоати правлениеси раисининг ўринбосари Б. Ф. Саидов, респу-блика хотин-қизлар журналининг редактори шонир Зулфия, жамоа-чилик вакиллари кутиб олдилар.

Э. Рузвельт хоним шу кунги рес-публика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини тамоша қилди, кўрди.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМИЛИ ТЕАТРДА (ё-ги бина) — 11/IX да Хожак афанди уйланади, 12/IX да Ганг дарёси-нинг қизи.

НАВОИЙ НОМИЛИ ТЕАТРДА — 11/IX да Галъа, 12/IX да Риго-летто.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» (қишқи) — ҳамма зал-да кундуз ва кечкурун Бечора се-вими онам, кеч соат 8-40 минут, ва 9-20 минутда Саҳродаги воқеа.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — арғалаб со-ат 9 ғармда Саҳродаги воқеа, кун-дуз ва кечкурун Бечора сеvimи онам.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечкурун Бечора сеvimи онам, кеч соат 10 да Қонан тоғ.

«ИСКРА» (ёғи) — кеч соат 8-40 минутда Бечора сеvimи онам, кеч 10 ғармда Тугалламанган қисса.

КАФАЛОВ номи — кеч соат 9 да Бечора сеvimи онам, кеч 10-40 минутда Мексикалик.

«ХИВА», «САЛЮТ», «УДАР-НИК» — Бечора сеvimи онам.

РЕСПУБЛИКА
Газета ва
Журналлари
ВА ОБЛАСТЬ
ГАЗЕТАЛАРИГА
1957 йилнинг IV квартал
учун
ОБУНА ҚИЛИШ
ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «Союзпечати»нинг ҳамма бўлимларида, респу-бликанинг барча алоқа конто-рлариди, шаҳар ва қишлоқ бўлимларида, шунингдек ўқув юр-тилари, муассаса, фабрика, завод, колхоз, совхоз ва МТС-лардаги жамоат обуна вақна-лари томонидан қабул қили-нади.

«Союзпечат» Тошкент ша-ҳар бўлимида обуна хар кун соат 9 дан 19 гача, яқинда ку-чаларда аса соат 9 дан 18 гача қабул қилинади.

«Қизил Ўзбекистон», «Прав-да Востока» ва «Ўзбекисто-ни сурх» бирлашган нашри-ёти.